

Никоҳ — бу икки жинсдаги шахсларнинг ўзаро розилик, тенглик, ихтиёрийлик асосида Оила қонунчилиги нормаларида белгилаб қўйилган никоҳ тузиш тартиби ва шартларига риоя этиб, аҳднома асосида тузиладиган иттифоқдир. Никоҳ тузиш учун бўлажак эр-хотин ўз розилигини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлиши керак. Никоҳ тузишга мажбур қилиш тақиқланади (Оила кодексининг 14-моддаси).

Жамиятда никоҳ эркак билан аёл ўртасидаги тенглик ва ўзаро хоҳиш асосида тузилган эркин иттифоқ ва аҳднома бўлиб, мақсади оила қуриш, фарзандларни жамиятнинг муносиб кишилари қилиб тарбиялашдан иборат. Никоҳ тузишнинг муҳим шартларидан бири никоҳланувчиларнинг ихтиёрий ва эркин иттифоқидир.

Никоҳга киришнинг ўзаро розилик шarti бузилиши фақат унинг ҳақиқий эмас, деб танилишигагина эмас, балки ғайриқонуний хатти-ҳаракат содир этиб никоҳга киришга зўрлаган, алдаган ва кўрқитган шахсларни жиноий жавобгарликка тортишга ҳам асос бўлади.

Никкоҳ тузиш тартиби

Никоҳ тузиш Оила кодексининг 13-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон қарори билан тасдиқланган “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш Қоидалари” билан тартибга солинади.

Никоҳ никоҳ тузишни хоҳловчи шахслар бу тўғрисида улардан бирининг яшаш жойидаги ФХДЁ органига белгиланган шаклдаги ариза билан мурожаат этган кундан бир ой ўтгач қайд этилади.

ФХДЁ органлари томонидан никоҳланувчи шахсларнинг никоҳини қайд этиш тўғрисидаги аризасини қабул қилишда белгиланган тартибда тиббий кўрикдан ўтиш учун йўлланма берилади.

Алоҳида ҳолларда, истисно тариқасида (агар ота-онаси ва никоҳ тузаётган ёшлар Ўзбекистон Республикасининг турли вилоят ёки туман (шаҳар)ларида яшаб турган бўлсалар) отаси ёки онасининг ёзма аризасига кўра никоҳ ота-онасининг ёки улардан бирининг яшаш жойидаги ФХДЁ органида ҳам қайд этилиши мумкин.

ФХДЁ органи мудири узрли сабаблар бўлганда, аризачиларнинг илтимосларига кўра бир ойлик муддатни қисқартириши мумкин. Бунда узрли сабабларни тасдиқловчи - болаларининг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномалари, тиббиёт муассасасининг келиннинг ҳомиладорлиги ҳақидаги маълумотномаси, хизмат сафари тўғрисидаги ва шу каби ҳужжатлар кўрсатилади.

Никоҳни қайд этиш муддатини узайтириш никоҳ тузувчиларнинг биргаликдаги аризаларига биноан кўриб чиқилади. Айрим ҳолларда етарли асослар бўлган тақдирда, шунингдек ФХДЁ органининг ташаббуси билан ушбу муддат уч ойгача узайтирилиши мумкин.

Белгиланган шаклдаги ариза никоҳланувчиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари асосида тўлдирилади ва барча саволларга аниқ ва тўлиқ жавоблар берилиши керак. Ариза аниқ, тушунарли дастхат билан ёзилиши керак.

ФХДЁ органи аризани қабул қилаётганда никоҳланувчиларга никоҳ тузиш тартиби ва шартларини, келгусидаги эр-хотин ва ота-она сифатида вужудга келадиган ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтириши ва бир-бирининг саломатликлари тўғрисида ва оилавий аҳволи тўғрисида хабардор эканликларига ишонч ҳосил қилиши керак.

Никоҳланувчилар никоҳ тузишга монъелик қиладиган ҳолатларни яшириш оқибатлари тўғрисида огоҳлантирилади.

Агар никоҳ тузувчи шахсларнинг оталик белгиланмаган биргаликдаги болалари бўлса, у ҳолда ФХДЁ органи уларга оталикни белгилаш тартибини тушунтириши лозим.

Қонун никоҳланувчи шахслардан ҳатто биттаси илгари қайд этилган никоҳда турган шахслар ўртасида никоҳ тузилишини тақиқлаши сабабли аризани қабул қилиш вақтида ФХДЁ органи шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари бўйича аризачиларнинг қонуний никоҳда туриш-турмаслигини текшириб кўриши керак.

Илгари никоҳда бўлган шахс ФХДЁ органига аввалги никоҳи бекор қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этиши керак. Бу - никоҳнинг бекор қилинганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки суд қарори, эрнинг (хотиннинг) ўлими ҳақидаги гувоҳнома ёхуд суднинг никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганлиги ҳақидаги қарори бўлиши мумкин. Никоҳни қайд этишда гувоҳларнинг сони икки кишидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Никоҳ тузиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар

Никоҳга кириш ҳақидаги аризани беришда шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар: паспорт, ҳарбий билет, офицер ёки прапоршчикнинг шахсий гувоҳномаси кўрсатилиши керак.

Агар никоҳ тузишни хоҳловчи ҳарбий хизматчи никоҳга кириш ҳақидаги аризани хизматни ўтаётган жойида берса, тегишли ҳарбий қисм ёки муассаса жойлашган манзил ҳарбий хизматчининг яшаш жойи ҳисобланади.

Агар бирон-бир сабаб билан никоҳ тузувчиларнинг иккаласи айна бир вақтда келиши имконияти бўлмаса, у ҳолда ФХДЁ органига аризани улардан бири бериши мумкин, Бу ҳолда кела олмаган шахснинг имзоси белгиланган тартибда тасдиқланган бўлиши лозим.

Никоҳга кириш ҳақидаги ариза аризалар ҳисобга олинadиган махсус дафтарда қайд этилиши керак.

Эрта никоҳ ва унинг салбий оқибатлари:

- Эрта турмуш куриш оқибатида қиз болалар ўз мустақилликлари ва эркинликларидан чекланадилар.
- Эрта турмуш куриш оқибатида оилада мавжуд бўладиган муаммолар ечимини тўғри ва мақсадли ҳал этишда қийналадилар.
- Фарзандлар тарбиясида тажрибасизликлари сабабли муаммолар юзага келади.
- Эрта турмуш куриш оқибатида ўз тенгдошлари каби ҳаёт гўзаллигидан тўлиқ баҳраманд бўла олмайдилар. (ўз истаклари ва орзуларига етиша олмади.).
 - Ҳомиладорлик, туғиш жараёнлари оғир кечади.
 - Тукқандан кейин асоратлар юзага келади;
 - Жинсий аъзоларда ҳар хил юқумли ва бошқа касалликлар келиб чиқади;
 - Ҳомиладорлик, туғиш жараёнлари оғир кечади.
 - Тукқандан кейин асоратлар юзага келади;
 - Жинсий аъзоларда ҳар хил юқумли ва бошқа касалликлар келиб чиқади;

Ўсмир қизлар эрта ҳомиладор бўлганларида руҳий ҳолатлари бузилиб тушкунлик ҳолатларига тез тушиб қоладилар, бу ҳолат уларда узоқ вақт сақланади

- Ўсмир қизлар ҳомиладор бўлганларида кўпроқ зарарли одатларга берилувчан бўлади, яъни (кашандалик, спиртли ичимликларни, гиёҳванд моддаларни кўпроқ истеъмол қилишга мойил бўладилар).

Никоҳ- бу ҳар икки хил жинсдаги шахсларнинг ўзаро розилик, ихтиёрийлик, тенглик асосида оила қонунчилигида белгилаб қўйилган никоҳ тузиш тартиби ва шартларига риоя қилган ҳолда аҳднома асосида қуриладиган иттифокдир.

- Эрта никоҳ – никоҳ ёшига етмасдан туриб маъмурий органларнинг руҳсати билан тузилган никоҳ.
- Бугунги кунга келиб дунёда 16 млн. Қизлар воягаётмасдан туриб она бўлишган.
- Бу кўрсаткич Европада
- Буюк Британия-2.8%

- Австралия -1.8%
- Франция-0.8 %
- Дания – 0.6% ни ташкил қилади.
- Ўзбекистонда бир йилда 270-300 тагача никоҳ тузилади. Бу ўтган йилларга нисбатан 1.8 баравар кўп эканлигига аниқланади.
- **15-модда. Никоҳ ёши**

*** Никоҳ ёши эркаклар учун ўн саккиз ёш, аёллар учун ўн етти ёш этиб белгиланади.**

*** Узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда никоҳга киришни хоҳлоувчиларнинг илтимосига кўра никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириш мумкин.**

- 29-модда . Никоҳ шартномаси
Никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ва (ёки) эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкӣ ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгиловчи келишуви никоҳ шартномаси деб ҳисобланади.

- Эрта турмуш қуриш оқибатида қиз болалар ўз мустақилликлари ва эркинликларидан чекланадилар.
- Эрта турмуш қуриш оқибатида оилада мавжуд бўладиган муаммолар ечимини тўғри ва мақсадли ҳал этишда қийналадилар.
- Фарзандлар тарбиясида тажрибасизликлари сабабли муаммолар юзага келади.
- Эрта турмуш қуриш оқибатида ўз тенгдошлари каби ҳаёт гўзаллигидан тўлиқ баҳраманд бўла олмайдилар. (ўз истаклари ва орзуларига етиша олмади.).
 - Ҳомиладорлик, туғиш жараёнлари оғир кечади.
 - Туққандан кейин асоратлар юзага келади;
 - Жинсий аъзоларда ҳар хил юқумли ва бошқа касалликлар келиб чиқади;
 - Ҳомиладорлик, туғиш жараёнлари оғир кечади.

- Тукқандан кейин асоратлар юзага келади;
- Жинсий аъзоларда ҳар хил юқумли ва бошқа касалликлар келиб чиқади;

Ўсмир қизлар эрта ҳомиладор бўлганларида руҳий ҳолатлари бузилиб тушкунлик ҳолатларига тез тушиб қоладилар, бу ҳолат уларда узоқ вақт сақланади

- Ўсмир қизлар ҳомиладор бўлганларида кўпроқ зарарли одатларга берилувчан бўлади, яъни (кашандалик, спиртли ичимликларни, гиёҳванд моддаларни кўпроқ истеъмол қилишга мойил бўладилар).

Никоҳ- бу ҳар икки хил жинсдаги шахсларнинг ўзаро розилик, ихтиёрийлик, тенглик асосида оила қонунчилигида белгилаб қўйилган никоҳ тузиш тартиби ва шартларига риоя қилган ҳолда аҳднома асосида қуриладиган иттифокдир.

-
- Эрта никоҳ – никоҳ ёшига етмасдан туриб маъмурий органларнинг руҳсати билан тузилган никоҳ.
- Бугунги кунга келиб дунёда 16 млн. Қизлар воягаётмасдан туриб она бўлишган.
- Бу кўрсаткич Европада
- Буюк Британия-2.8%
- Австралия -1.8%
- Франция-0.8 %
- Дания – 0.6% ни ташкил қилади.
- Ўзбекистонда бир йилда 270-300 тагача никоҳ тузилади. Бу ўтган йилларга нисбатан 1.8 баравар кўп эканлигини англатади.
- **15-модда. Никоҳ ёши**

*** Никоҳ ёши эркаклар учун ўн саккиз ёш, аёллар учун ўн етти ёш этиб белгиланади.**

*** Узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда никоҳга киришни хоҳлоувчиларнинг илтимосига кўра никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириш мумкин.**

➤ 29-модда . Никоҳ шартномаси

Никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ва (ёки) эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкӣ ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгиловчи келишуви никоҳ шартномаси деб ҳисобланади.

- **Аҳолининг ажралиш даражасига эрта никоҳларнинг** таъсири жуда катта. Аниқланишича оиланинг мустаҳкамлиги никоҳга кирувчи ёшлар йигит ва қизнинг ёши муҳим аҳамиятга эга. Никоҳдан ажралиш учун ариза берганларни ва никоҳга кираётган эр-хотинларнинг ёшига боғлиқлиги кузатилади. Шунингдек, 12.2 % никоҳдан ажрашган аёлларнинг 16-18 ёшда, 26.7% эса 20 ёшда никоҳга кирганлиги аниқланди. Мисол тариқасида Жиззах вилоятида никоҳдан ажралишга ариза билан мурожаат қилган 99 оиланинг 18.2% 17-18 ёшда никоҳга кирганлиги, 28.3%-20 ёшгача бўлганлар, Сирдарё вилоятидан 205 та оиладан 11.8 % ва 28.4 %, Навоий вилоятида эса 12.1 % ва 27.8% ташкил қилади. Ҳисоб-китобларга кўра никоҳдан ажрашган аёлларнинг ёши 21.4 ёш, эркаклар эса 24.5 ёшни ташкил қилади.
- Афсуски, бугунги кунда қизлар 16-17 ёшда ҳам турмуш қураётган ҳоллар учраб турибди. Бу қизларнинг 17-18 ёшда она бўлиш эҳтимоли бор. Ҳозирги даврда аксарият 16—17 ёшли қизлар руҳияти таълим муассасаси муҳитида шаклланади. Уларнинг кўпчилиги таълим муассасаси (мактаб ёки академик лицей, коллеж)ни тугатиб, яна ўқишни давом эттириш, ҳунар-касб эгаллаш, ишлаб, оиласи учун моддий ёрдам бериш, ўзининг кам-қўстини бутлаш орзусида бўладилар. Ота-онаси бағрида болалик орзулари билан яшаган, мустақил турмуш қуришга ўзини руҳан тайёрламаган кўпчилик қизлар бошқа бир хонадонга келин бўлиб тушадилар. Лекин келин тушган аксарият хонадон шу 16—17 ёшли, ҳали мактаб, болалик муҳитида юрган қиздан жуда кўп вазифаларни бажаришни талаб этади. Ушбу талабларни бажаришга қодир бўлмаган қиз қийналади, натижада оилада кўп келишмовчиликлар келиб чиқади ва никоҳ бузилиши эҳтимоли ҳам юзага келади.
- Ана шундай вазият эрта турмуш қурган йигитларда ҳам мавжуддир. 18 ёшли йигит ҳали тўлақонли оила бошлиғи бўлишга тайёр бўлмайди. У қиз бола томонидан ёш бола сифатида тасаввур қилинади. Натижада бу тасаввур улар орасидаги оилавий муносабатларда ҳам ифодаланиб, келин-куёвни етарли даражада ҳурмат қилмаслигига сабаб бўлиши мумкин. Бу ҳол кейинги пайтларда 18—24 ёш гуруҳларида ажралишнинг кўпайиб боришига сабаб бўлмоқда.